

Қарздорликдан халос этувчи дуо



08:18 / 01.05.2024 8779

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни мени кўрмадилар. Намозни ўқиб бўлганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимга келиб, «Эй Муоз! Сенга нима бўлди? Кўринмай қолдинг?», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Бир яҳудийдан бир увқия тилла қарзим бор эди. Сизнинг олдингизга келаётсам, у мени тўхтатиб қолди», дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Эй Муоз! Сенга бир дуони ўргатиб қўяйми? Бу дуони қилсанг, зиммангда Сийр тоғича (Ямандаги тоғ) қарзинг бўлса ҳам Аллоҳ таоло сени ундан қутқаради.

Эй Муоз, бундай дегин: **«Аллоҳумма, мааликал мулк, туътил мулка ман ташаау ва танзиъул мулка мимман ташаау, туъиззу ман ташаау ва тузиллу ман ташаау, биядикал хойр. Иннака ъалаа кулли шайъин қодийр. Туулижул-лайла фин-наҳаари ва туулижун-наҳааро фил-лайл, ва тухрижул ҳайя минал маййити ва тухрижул маййита минал ҳайй, ва тарзуқу ман ташаау биғойри ҳисааб.**

Роҳманад-дуня вал аахироти ва роҳиймаҳумаа, туътий ман ташаау минҳумаа ва тамнаъу ман ташааъ. Ирҳамни роҳматан туғнийни биҳааъан роҳмати ман сиваак» (Табароний ривояти).

Маъноси: «Барча подшоҳликнинг эгаси бўлган Аллоҳим! Хоҳлаганингга подшоҳлик берурсан, хоҳлаганингдан подшоҳликни тортиб олурсан, хоҳлаганингни азиз қилурсан, хоҳлаганингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингдadir. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан. Кечани кундузга киритурсан, кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан, тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан.

Эй дунёю охиратнинг Раҳмони ва уларнинг Роҳийми, хоҳлаганингга улардан берасан, хоҳлаганингни маҳрум қиласан. Менга Ўзингдан ўзганинг раҳматидан беҳожат қиладиган раҳм қилгин».

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Олдимга бир мукотаб келиб, «Мен келишилган маблағни топиб бера олмадим, менга ёрдам беринг», деди. Мен унга шундай дедим: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ўргатган калималарни ўргатиб қўяйми? Сийр тоғидек қарзинг бўлса ҳам, Аллоҳ уни сендан узади: **«Аллоҳуммакфиний биҳалаалика ъан ҳаромик, ва ағнийий бифадлика ъамман сиваак»** дегин».

Термизий ривояти.

Изоҳ:

Мукотаб – хожаси билан мукотаба шартномасини тузган қул. Мукотаба – қул билан хожа ўртасидаги шартнома бўлиб, унга кўра қул келишувдаги қийматни маълум муддатда тўласа, озод бўлади.

Сийр – Той қабиласи яшайдиган тоғ.

Маъноси: «Аллоҳим! Менга ҳалолнинг ила ҳаромдан кифоя қилгин, фазлинг билан мени Ўзингдан бошқалардан беҳожат қилгин».